

ИҲОТА ДАРАХТЗОРЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**Комилов Жасурбек Қозимжон ўғли***Андижон Қишлоқ Хўжалиги ва**Агротехнологиялар Институтининг**Агробиология факултетининг**Агрономия таълим йўналишининг**2-босқич 12- гуруҳ талабаси*

Аннотация : *Иҳота дарахтзорлар ташкил қилиш билан атроф муҳитни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий шароитларини яхшилаш мумкин. Булардан ташқари, иҳота дарахтзорлар далаларда агротехника ишлари самарасини оширади, манзарани яхшилайдиган, инсон яшайдиган муҳитни соғломлаштиради. Иҳота дарахтзорлар ташкил қилишнинг аҳамияти табиатни муҳофаза қилиш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг табиий шароитини яхшилаш, суғориладиган ерларда каналлар бўйларида иҳота дарахтлар ўтқазуви : сув юзасидан буғланишни камайтириш, ер ости сувини пасайтириш, далаларни қуруқ шамол (гаримсел) дан сақлашга қаратилган иҳота дарахтлари ўтқазуви хисобланади.*

Калит сўзлар : *Иҳота дарахтзорлар, шамол, эрозия, микроклимат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш, қуруқ шамол (гаримсел)*

Иҳота дарахтзорлар бу тупрокни шамол ва сув эрозиясидан сақлаш ҳамда микроклиматни яхшилашга қаратилган чора тадбирлар хисобланади. Бугунги кунда бажарадиган вазифасига караб иҳота дарахтзорлар куйидаги турларга бўлинади : давлат иҳота ўрмонзорлари ; лалми ерлардаги иҳота дарахтзорлар; каналлар атрофидаги иҳота ўрмонзорлари; суғориладиган ерлардаги дала ўрмон иҳотазорлари; тоғ қияликларидаги сувларни тартибга солиш иҳотазорлари; жарликлар атрофидаги ўрмон иҳоталари; тоғ мелиоратив иҳота дарахтзорлари ; яйлов ўрмон иҳотазорлари; фермалар атрофидаги ўрмон иҳотазорлари ; яшил соябонлар; ко'чма қумларга қарши барпо этилган ўрмон иҳотазорлари ва бошқалар . Иҳота дарахтзорлар кўпроқ лалми ва суғориладиган ерлар кўлланади. Жумладан бундай ерларга дарахт ва буталар 2-4 қаторли , баъзан эса 5 қатор қилиб экилади . Шамол кучли бўладиган Фарғона водийсининг Қўқон туманлар гуруҳи ва Мирзачўл худудида иҳота дарахтлар 4-5 қатор қилиб экилади. Бундан мақсад кучли шамол таъсирида тупрок эрозиясини олдини олиш ҳамда шамол тезлигини

пасайтиришдан иборат. Дарахтзор минтақаларининг сувни тартибловчилик ролини оддий гидротехника иншоотлари — террасалар, марзалар, ариқчалар ёрдамида кучайтириш мумкин. Сойлик ва жарлик бўйлари дарахтзор минтақалари, асосан, сойлик ва жарлик бўйларини ювилишдан саклашга хизмат қилади. Бундай дарахтзорлар 12,5—21 м кенгликда қалин қилиб экилади, баъзан эса сойлик ва жарлик ёқалари ёппасига ўрмонзорга айлантирилади. Чирчиқ ва Самарканд ўрмон хўжаликларида сел хавфи бўлган ҳавзаларнинг бир қанча минг га майдони ўрмонлаштирилган. Қумликларда ихота дарахтлари ўтқозиш дефляциянинг олдини олиш, кўчма қумларни мустаҳкамлаш ва чўл яйловларининг ўрмон мелиорацияси мақсадларида амалга оширилади; канал бўйлари дарахтзорлар сувнинг буғланишини камайтиради, грунт сувлари сатҳини пасайтиради, канал бўйларидаги ерларни қайта шўрланишдан саклайди; сув омборлари атрофига дарахтлар ўтқозиш ер усти сув оқимини камайтириб, уни тупроқ остига ва грунтга кўчиради, қирғоқни ювилишдан саклайди, соҳилбўйи ҳудудларнинг гидрологик режимини яхшилайдди; аҳоли пунктлари атрофига ва йўл ёқаларига дарахт ўтқозиш шамол тезлигини пасайтиради, қурғоқчилик таъсирини юмшатади, микроклимни яхшилайдди, темир йўллар ва автомобил йўлларини қор босишидан саклайди. Дарахтлар шамолга нисбатан жойланишига қараб асосий (шамол йўналишига қўндаланг) ва ёрдамчи (асосий ихотазорга перпендикуляр) турларга бўлинади. Асосий ўрмон ихотазорлари оралиғи шамолнинг кучига қараб 300—600 м, ёрдамчи ихотазорлар оралиғи 800—1200 м бўлади. Ихота дарахтзорлари 3—5 қатордан иборат бўлиб, қаторлар оралиғи 2,5—3 м, қатор ичида 1—2 м га тенг бўлади. Дала, аҳоли пунктлари, сув омборлари атрофига, канал ва йўл ёқаларига дуб, қайрағоч, терак, тол, жийда, чинор ва шунга о'хшаш дарахтлар, тоғ ён бағирларига арча, дуб, ёнғоқ, бодом ва қумларни мустаҳкамлашда эса саксовул, кандим, шумтол ва бошқалар экилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Молчанова А. И., Бойко Н. П., Полезащитное лесоразведение в Узбекистане, М., 1969.
2. Агроресомелиорация, [Подред. В. П. Виноградова], М., 1979.
3. Ўрмон мелиорацияси .